

# ЛОЙИХА -СМЕТА, ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 17690

Фаргона шаҳри

2022 йил 7- маю,

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “FARGONA KOMMUNAL LOYIHA” ХК номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Э.Косимов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конуни, Қурилиш меъёrlари ва қоидалари (КМК 1.03.01) хамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Қорасокол МФЙ "Мингчинор" кишлогида жойлашган 17-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш (*ATTA лойиҳаси, техник кўрик ишлари ҳаражатлари билан бирга*) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда 2022 й. « 25 » апрель кунги харид комиссиясининг 17690-сонли баёнига асосан жорий нархларда 21 619 000 (йигирма бир миллион олти юз ўн тўққиз минг) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиги 15% - 2 819 870 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 7 ” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чикилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлик ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради хамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

## 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган холда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошкармасидаги маҳсус ҳисоб

ракамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий кийматининг 70 фоизъ доирасида амалга оширилади.

#### **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиха-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошка меъёрий ҳужжатларга мувофик ишлаб чикилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар боскичларини келишади ва бажарилётган ишлар хақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли холатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

#### **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбагаликкни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи З кун мобайнida лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини З нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи.Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чикшлар ёки бошка камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огохлантиради ва камчиликларни кисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф киласи.

#### **8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

#### **9.Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли холатлар бўлмаслигини кафолатлади;

#### **10.Томонларининг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим боскичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишили қисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чикиши ва шунга мувофик зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёrlари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур мuddада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаракатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблаг олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблаг ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чикиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки кисман мумкин бўлмай колса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли кисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган ҳар кандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни муддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;  
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этганилиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июнга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик ҳужжатларига ижобий холоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тутатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинга қадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Уч нусха ҳам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи

Фарғона вилоят хокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фарғона ш. Темирйўл кўчаси 37-үй

Тел./факс 244-52-24

ШХР 301821860304012092100035021

Ташкилотнинг СТИР 204816336 ОҚЭД-

Фарғона вилояти бўйича Фазначилик бошкармаси

ЯФХ : 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Рахбар  
М.У.Долимов

Хукуқий унсур



Маджид Абдуллаев

### «Пудратчи»

“FARGONA KOMMUNAL LOYIHA” МЧЖ

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғилоний кўчаси 66а-үй

Тел: 998-90-230-49-13

Х/Р: 2020 8000 204 589 155 001

Банк: Асакабанк Фарғона шаҳар филиали

МФО: 00539

ИНН: 300 306 338



Э.Қосимов